O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 22 (536)

2007-yil 23-may

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Мўлжалга тегмаётган тадбирлар

Афсуски, кейинги пайтларда қизиқ бир одат урф бўляпти. Бирор тадбир ёки анжуман ўтказиладиган бўлса, токи телевидение мухбирлари келмагунча бошламай турилади. Ўйга толасан: тадбир ўзи ким учун ўтказиляпти, манфаатдор ташкилотларми ёки ТВ...

3 Осмон узоқ, ер қаттиқ...

Президентнинг ўзи дастлаб илгари сурилаётган барча айбловларни қатъиян рад этди. Бироқ ҳамма-ҳаммаси исботлаб берилганидан кейин айбини бўйнига олди, қанчалик қийин бўлмасин, ўз ихтиёри билан истеъфога чиқишини ҳам маълум қилди.

4 Бобурийлар армони

Бизлар эса бу луғат ва қомусларга тош отиб ётибмиз. Бу маърифатли аждодларимизга туҳмат эмасми?

Бобуршунос Зокиржон Машрабовдан ушбу луғатлардан нусхалар олиб юртимизга келтиришларини умид қилиб қоламиз.

HURRIYATга обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Хабар

Бош миллий мукофот соҳиблари

“Қашқадарё” газетаси жамоаси икки кун давомида пойтахтимизда бўлди

Аввал хабар қилганимиздек, “Қашқадарё” газетаси жамоаси “Олтин қалам” II миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловнинг бош миллий мукофотига сазовор бўлганди.

Газета жамоаси ана шу мукофотнинг тақдимот маросимини ўтказиш учун пойтахтимизда бўлди. Меҳмонлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, “Халқ сўзи” газетаси таҳририяти, Мустақиллик майдони, “Шаҳрисабз” ҳунармандчилик маркази ва бошқа шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар.

Кеча Миллий матбуот марказида таҳририят жамоаси пойтахт ОАВ вакиллари билан учрашди. Тадбирни олиб борган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов жамоани ғолиблик билан яна бир бор қутлаб, ОАВ ривожида ҳудудий нашрларнинг ўрни ҳақида гапирди.

“Газетанинг ҳар бир сони бир имтиҳон”, деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Ҳуршид Дўстмуҳаммад. Сўзга чиққанлар “Қашқадарё” газетаси фаолиятига назар ташлаб, ахборот иммунитетини шакллантириш ва замонавий журналистика тамойилларини жорий этиш йўлидан бораётган таҳририят иш услубини қўллаб-қувватладилар. Синовлардан муваффақиятли ўтиб келаётган мазкур газетада пойтахт нашрларига ҳам ўрнак бўларли жиҳатлар талайгина. Айниқса, техника борасида. “Қашқадарё” ўз йўлига эга бўлиб, таҳририят миқёсида “Соннинг энг яхши мақоласи”, “Ойнинг энг яхши журналисти” каби рағбатлантириш мезонлари ишлаб чиқилган. Кадрлар муаммосини ҳал этиш мақсадида газета қошида минтақавий “Журналистик маҳорат маркази” ташкил этилган бўлиб, марказнинг асосий кўмакчиси Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳисобланади.

“Олтин қалам”дан ташқари, таҳририят вакиллари “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Жамият ва мен”, “Ташаббус — 2006”, “Келажак овози”, “Атиргул”, шунингдек, Унни бойитиш бўйича миллий дастур тарғиботи бўйича ўтказиб келинаётган танловларда ғолибликни қўлга киритганлар.

— Ғолиблик, тақдирлашлар моддий жиҳатдан кўмак беришдан ташқари, маънавий рағбат, режадаги ишларимизни амалга оширишда куч бағишлайди. Давлат ва халқ ўртасида воситачи бўлиш, миллий манфаатларни ўйлаш ва ишни янгича асосларда ташкил этиш газетамиз олдига қўйиладиган асосий талаб деб биламиз, — дейди “Қашқадарё” газетаси бош муҳаррири Нарзулла Равшанов. — Учрашув ва ижодий сафар журналистларимизнинг ўзаро фикр алмашиш, янги тажрибалар билан ўртоқлашиши, қолаверса, уларда янги мавзу ва ғоялар туғилиши учун сабаб бўлади, деб умид қиламиз.

Дурдона АЛИМОВА

Сана

Яшараётган Самарқанд

Кўҳна ва навқирон шаҳар кун ўтган сайин файзли бўлиб бормоқда

Марказий Осиёда энг қадимий шаҳарлардан ҳисобланган Самарқанд дунёга машҳур Рим ва Афина шаҳарлари қаторида туриши истиқлол шарофати билан тан олинди. Мазкур шаҳарлардан фарқли ўлароқ, Самарқанд феномени шундан иборатки, бу шаҳар жуда қадим замонлардан табиати, фан ва маданият, санъат намояндалари билан кишилар эътиборини ўзига жалб этган. Шу туфайли у ғарбу шарқ адабиётида “Самарқанди фирдавсмонанд”, “Сайқали рўйи замин” каби таърифлар билан шарафланган.



Бу маконнинг ўзига хос яна бир томони шундаки, унинг қоқ марказини, ҳозирги болалар истироҳат боғи ва “Динамо” ўйингоҳи ўрнида тош асри одамлари — палеолит маданияти қароргоҳи топилган. Бу ҳудудда 25-30 минг йилдан бери инсон барқарор яшаб келганлиги маълум.

Самарқанд шаҳрига халқимиз орзу қилган эътибор, археологик ва меъморий обидаларга жонкуярлик, шаҳар қиёфасини замонавий шаҳарсозлик ҳамда меъморчилик андозалари асосида янгилаш ҳаракатлари мустақиллик шарофати билан амалга оширилмоқда.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқандда қатор ишлар амалга оширилди. Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий каби самарқандлик алломаларнинг юбилейлари ўтказилди. Шу муносабат билан уларнинг номидаги зиёратгоҳлар ҳамда бир қатор қадамжолар қайта қурилиб обод қилинди. Самарқанд шаҳри маркази ва атроф ҳудуди киши таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қатор меъморий обидалар таъмирланиб, боғ ва гулзорлар бунёд этилди.

Хусусан, Гўримир ва Руҳобод меъморий мажмуаларининг атроф-муҳитини бузиб турган кўримсиз, пала-партиш қурилган иморатларнинг олиб ташланиши янги сайёҳлик йўналишларининг очилишига олиб келди. Шунингдек, Гўримир мақбараси, Бибихоним мажмуаси, Хожа Аҳрор Валий мажмуаси ва бошқа қатор обидалар таъмирланди. Энг муҳими, Соҳибқирон Амир Темурга ҳайкал ўрнатилиб, Президентимиз томонидан 18 октябрь — Самарқанд шаҳар куни, деб эълон қилинди.

Самарқандниг эски шаҳар ҳудудидаги Тошкент, 8-март, Бухоро, Ғиждувон, Кулолон, Регистон, Қўшҳовуз сингари қатор кўчалар ободонлаштирилиб, шаҳримизга ташриф буюрадиган сайёҳлар сайр қиладиган сўлим гўшага айлантирилганлиги қувонарли ҳол.

Самарқанд меъморий амалиётининг мустақиллик йилларидаги энг катта ютуғи сифатида, 2005 йилда унинг бош тархи ривожланиш концепциясининг қабул қилинганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. 219 гектарни эгаллаган Афросиёб қадимий шаҳар харобалари ҳақиқий археологик кўриқхонага айлантирилди. Бу кўҳна қалъа устидаги барча транзит транспорт йўллари ва бегона иншоотлар у ердан олиб чиқилди. Қўриқхона яқинидаги кўн заводи бошқа ҳудудга кўчирилиб, Сиёб деҳқон бозори замонавий шаклда бунёд этилди. Сайёҳларнинг археологик объектларни томоша қилиши учун, осма транспорт йўли — фуникулер ташкил этиш лойиҳаланган.

Самарқанд сайёҳлар юрти бўлганлиги боис нафақат хорижий мамлакатлардан келган сайёҳлар, қолаверса, кўпгина давлат раҳбарлари ва арбоблари бу ерда халқаро учрашувлар, махсус қабул маросимларини ўтказиш мақсадида махсус қабуллар уйи ва 400 ўриндан иборат “Президент отел” меҳмонхонаси анъанавий ва замонавий меъморчиликда мавжуд бўлган барча дипломатик этикет талабларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳардаги Марказий истироҳат боғи қайта таъмирланиб, унга шеърият мулкининг султони Алишер Навоий номи берилди. Эндиликда боғ Европа ва Осиё сайргоҳлари каби чиройли дарахт, гулзор ҳамда зарур аттракционларни ўз ичига олган сўлим гўшага айланди. Унинг Жомий кўчасига чиқадиган томони “Ёшлар маркази” биноси, “Мўъжиза” амфитеатри, ёшлар кафеси ва университет хиёбони билан композицион бутунликни ташкил қилади.

Байрамга тайёргарлик нафақат шаҳримизнинг ташқи кўринишига сайқал бериш, балки илмий-маърифий ва маданий йўналишларда ҳам жадал бормоқда. Самарқандда жойлашган барча таълим муассасаларида “Самарқанд: кеча, бугун ва эртага” каби мавзуларда турли даражадаги тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тарихи, хусусан, марҳум академик Б. Валихўжаев томонидан бошланган мадраса ва мадрасаи олиялар, уларнинг шарқ тамаддуни тарихидаги мавқеини ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Самарқанд давлат университети қошида “Юбилей тадбирлари маркази” ташкил қилинган бўлиб, унда Самарқанд тарихини ёритадиган манба ва адабиётлар, республика ва маҳаллий матбуотда Самарқанднинг бугуни ҳақида нашр қилинаётган мақолалар жамланиб, тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Жавоб

Жиноят иши қўзғатилди

(“Сарсонлик ва мавҳумлик қачонгача”, “Hurriyat”, 2007 йил 2 май)

Мақолада келтирилган масалалар Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2004 йил 30 мартдаги қарори билан Китоб туман ҳокимлиги зиммасига фуқаро Д. Диёрова ва бошқаларни уй-жой билан таъминлаш мажбурияти юкланган ҳамда туман ҳокимлигидан 4 та оилага етказилган 2 млн. сўм маънавий зарарни ундириш белгиланган.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари томонидан асоссиз равишда, кўчиришга алоқаси бўлмаган оилаларга уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам пули ва бошқа буюмлар бериб юборилганлиги ҳолати юзасидан ажрим чиқарилиб, Китоб туман прокуратурасига юборилган.

Туман прокурорининг протести туман ҳокимлигининг суд қароридан норози бўлиб келтирган кассация шикоятига асосан фуқаролик иши 2004 йил 15 июнда фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида кўрилиб, маънавий зарарнинг миқдори 1 млн. сўмга камайтирилган ва қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

2004 йил 6 июлда туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан ижро иши қўзғатилиб, ижро этиш учун 4 августда туман ҳокимлигига юборилган. Туман ҳокимлигининг ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги ва уй-жой қуриб бериш имкониятига эга эмаслиги ҳақида суд ижрочилар бўлинмасига мурожаат қилганлиги боис, 2004 йил 20 августда ижро ҳужжатлари судга қайтарилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2005 йил 28 декабрдаги ажрими билан юқорида зикр этилган ҳал қилув қарорининг ижро тартиби ўзгартирилиб, даъвогар Д. Дониёровага уч хонали уй-жойнинг қиймати учун 12 млн. 600 минг сўм, М. Диёровага тўрт хонали уй-жойнинг қиймати учун 16 млн. 600 минг сўм, Ш. Холиқовага икки хонали уй-жойнинг қиймати учун 6 млн. 800 минг сўм ва Г. Қўчқаровага бир хонали уй-жойнинг қиймати учун 3 млн. 400 минг сўм, жами 39 милн. 400 минг сўмни давлат бюджетидан ундириш белгиланган.

Суд қарори асосида чиқарилган ижро варақа суд ижрочилар бўлимига 2006 йил 5 сентябрда келиб тушган ва шу куни ижро иши қўзғатилиб, Китоб тумани молия бўлимига ижро этишлик учун юборилган.

Молия бўлими 2006 йил 13 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2004 йил 30 мартдаги ҳал қилув қарори ва 2005 йил 28 декабрдаги ажримини бекор қилиш тўғрисида вилоят судига кассация тартибида шикоят келтирган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2006 йил 20 ноябрдаги ажримига асосан молия бўлими томонидан киритилган кассация шикояти вилоят судида кўриб чиқилгунга қадар 2005 йил 28 декабрдаги ажрим ижроси вақтинча тўхтатилган.

Кассация шикояти 2007 йил 23 мартда вилоят суди томонидан кўрилиб, суднинг 2005 йил 28 декабрдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилган ва 2007 йил 24 апрелдаги ажрим асосида чиқарилган ижро варақа ижрони таъминлаш учун суд ижрочилари бўлимига юборилган.

Китоб тумани молия бўлими вилоят молия бошқармасига суд қарори асосида белгиланган 39 млн. 400 минг сўм пулни бюджетдан ундирилишига амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган. Ўз навбатида вилоят молия бошқармаси республика Молия вазирлигига мурожаат қилиб юқоридаги маблағни ажратилишига рухсат беришни сўраган. Аммо ҳозирги кунга қадар Молия вазирлиги томонидан пул маблағларини ажратиш масаласи ҳал этилмаган.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2004 йил 30 мартдаги ажрими асосида Китоб туман прокуратурасида мавжуд бўлган ҳужжатлар ўрганилганда, туман ҳокимлиги мансабдор шахсларнинг ҳаракатида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш жинояти аломатлари борлиги аниқланган.

Туман прокуратурасининг 2007 йил 20 февралдаги жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан 2007 йил 8 майда ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 205-моддаси 2-қисми “в” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ш. ҚУВОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи

Табиат

Яйдоқлик чорраҳасидаги ўйлар

Давоми. Бошланиши олдинги сонларда.

Дадахон НУРИЙ

3. Шаҳар ғилдираги

“Ободончи”лар боғ яратиш бизнинг вазифамизга кирмайди, бошқаларнинг иши деб туриб олишлари мумкин. Бироқ биз уларга шаҳарда ёппасига намунали боғлар яратинг, мана, мунчадан ҳосил кўтаринг деяётганимиз йўқ. Гап юқорида эслатиб ўтилган корейс олимлардек Она замин саховатига ҳурмат, эҳтиром, қолаверса миллатимиз табиатига хос яратувчилик удуми ҳақида кетмоқда.

Шаҳарни улкан бир хонадонга қиёсласак, унинг соҳиби ўзини зукко, тадбирли деб ўйласа, ҳеч қачон бир парча ҳам томорқасини фақат “чиройли” дарахтларга тўлдириб юбормайди. Яхши ният билан мевали ниҳоллар ҳам ўтқазади. Улар туккан илк ҳосил ризқ-рўз, барака рамзи бўлиб, бутун оила қувончига айланади.

Бундан йигирма йиллар аввал эълон қилинган, кўп шов-шувларга сабаб бўлган “Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик” мақоласидан кейин Тошкент ва республиканинг бошқа катта-кичик шаҳарлари қиёфасида бироз дендрологик ўзгаришлар бўлди. Кўчалар атрофига, парк ва хиёбонларга мевали кўчатлар ҳам ўтказила бошлади.

Бироқ озгина вақт ўтиб, “Ободончи”лар бошини кимдир айлантирди чоғи, шаҳар ғилдираги яна эски изга тушиб кетди.

Мутасадди раҳнамолар ўзларига тааллуқли атама маъносини фақат бир ёқлама тушуниб, савоб йўлига тўкин-сочин фаровонлик, файз-барака ҳам яратиш эканлигини англаб етмаётган бўлсалар майли, айбситмай қўя қолайлик. Лекин халқимизнинг миллий ифтихори бўлмиш буюк алломаларнинг кўпчиликка ибрат бўларли фазилатларини ҳам ўз қаричларига мослаб олганларига нима дейсиз!

Маълумки, пойтахтнинг бир пайтлар мевазорлар маскани бўлган жойларида буюк боболаримиз Амир Темур, Алишер Навоий номлари билан аталадиган “боғ”лар барпо этилган. Аввало “боғ” деб аташга тил айланмайди — ҳамма ёқни қуруқ савлат дарахтлар эгаллаб ётибди. Наҳот шу “манзара”ни яратганлар буюк саркарда Темур салтанати фақат маҳобатли меъморчилик обидалари билангина эмас, етти иқлимга донғи кетган, ҳар бирининг шоирона номи бор “Боғи шамол”, “Боғи баланд”, “Боғи дилкушо”, “Боғи ғазон” сингари ширин-ширин мевали тароватбахш боғлари билан ҳам машҳур бўлганини билишмаса!

Шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий турли музофотларда ободончилик ишларига бошқош бўлиб, кўплаб боғлар барпо этган ва улар тароватини тараннум этиб, ғазаллар битган. Ул ҳазрат совуқ иқлимли юртларга хос заранг дарахтлари ичида яшаб, ижод этмаган. Наҳот шу оддий ҳақиқатдан бехабар, улар?

Қаерга борса боғ яратиш миллатимизнинг қонида бор одат! Қони “бузулган”ларгина бунинг аксини қилиши мумкин. Ҳиндистон, Покистонда, Қобул атрофларида Мирзо Бобур яратган, ҳамон кўз қорачиғидай асраб-авайлаб сақлаб келинаётган боғлар бунга мисол. Айниқса, Кашмирдаги ва Лахор шаҳридаги Шалимар боғларининг донғи бутун дунёга кетган.

Буюк адиб Абдулла Қодирий ҳам миришкор боғбон бўлган. Ижоддан чарчаган, руҳий толиққан пайтлар боғ оралаб, меҳнат билан ўзини овутган. Ёзувчи ўз қўли билан экиб кўкартирган чинор келбат нок дарахтлари яқин-яқингача Комолон маҳалласи кўчаларига файз киритиб турган, мевасидан кўпчилик баҳраманд бўлган.

Ҳозир Тошкентнинг энг обод даҳаларини кесиб ўтувчи шоҳкўча Абдулла Қодирийнинг муборак номи билан аталади. Лекин бир неча чақиримли шу йўлнинг ўртасидаги кенг майдонни кета-кетгунча бир неча қатордан қилиб экилган манзарали дарахтлар эгаллаб ётибди. “Манзарали” бўлганда ҳам уларнинг аксариятини “гуллаганда” пипилдириғи бутун шаҳарни босиб, одамларни безор қиладиган, ҳатто шаҳар бошлиқлари ўтирадиган идораларнинг зирҳли эшик-дераза-ларидан ҳам “ўтиб” уларнинг бошини гангитадиган “урғочи” бақатераклар ташкил этади.

Энди гапнинг индаллосига келсак, шу “пипилдириқли манзара” дарахтларининг бир қисмидан воз кечиб, улар ўрнига ҳеч бўлмаса бир қатордан буюк адиб меҳр қўйган нок ниҳоллари экиб, парваришлаш (!) мумкин эмасми? Ахир Москвадай қаҳратон совуқ иқлимли шаҳарда, “Қишлоқ хўжалиги намойишлар павильони” атрофида ноксор яратиб қўйишган-ку!

Тўғри, дунё кезган баъзи ҳамюртларимиз ривожланган мамлакатларнинг палон шаҳарларида манзара ундоқ — манзара мундоқ, бирор мевали дарахт кўзга ташланмайди, деб иддао қилиб қолишлари мумкин. Бироқ биз ўз миллий анъаналаримизга хос бўлган удумлардан ўрнак олсак, ўргансак бўлмайдими! Нега Германия, Польша, Болгария, Греция, Испания каби кўплаб мамлакат шаҳарларидаги боғкўчалар, боғ-хиёбонлар ҳақида гапиришни унутиб қўямиз!

Айниқса, Польшанинг катта магистрал ҳамда шаҳар йўллари бўйига ўтқазилган мевали дарахтларга шу даражада эътибор қаратиладики, уларнинг ҳар бирида кўзга баралла ташланиб турадиган рақам бор. Бунинг сабабини сўраганимизда, шу дарахт мабодо касалликка чалиниб ёки бирор сабаб билан синиб, қурий бошласа, дарров шу рақам ўрнига бошқаси ўтқазилади дея тушунтириш беришганди. Ана буни ўз замини имкониятларини қадрлай билишу ҳақиқий миришкорлик деса бўлади!

Бир пайтлар советлар тасарруфида бўлган “Шарқий Германия”да ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бўстонлиқлик оғайнимизнинг ўғли Ғолиб Тиллахонов у ердан олган таассуротларини шундай ҳикоя қилганди:

— Биз ҳам боғбонмиз, деб юрган эканмиз. Бу соҳада немисларга қойил қолиш керак. Ҳарбий қисмимиз жойлашган шаҳарнинг катта-кичик йўллари бир хилда қилиб экилган олма дарахтлари билан қопланиб ётарди. Сероблиги, одамларнинг кўзи тўқлигиданми, уларнинг мевасига ҳеч ким тегмасди. Аммо бизнинг солдатлар роса қийратишарди. Айниқса, “ташқари”га бирор иш билан чиққан ҳайдовчилар кўчанинг одам кўзидан четроқ жойига бориб машинанинг орқа борти билан уриб, дарахтни “силкитар” шунда унинг ичи дув этиб тўкилган олмаларга тўларди. Бир куни шундай қилиб, синдириб кетилган дарахт шохларининг шикаст еган ерини дастрўмоллари билан авайлаб боғлаб, ердан кўтариб қўяётган уч-тўрт кекса кампирларни кўриб қолдим. Улар ачиниб бош чайқаб бир-бирларига нимадир дейишарди. Кун бўйи гуноҳ бир иш қилиб қўйгандай кўнглим ғаш бўлиб юрди. Кечқурун кўрганларимни командирга айтгандим: «Ваҳимангни қара-ю, мен машинамиз бирор немисни уриб кетибдими, деб ўйлабман, — деди-да, бепарвогина қўл силтади. — Қўявер, Сибирда бунақа мевалар йўқ, еб қолишсин. Эслаб юришади!»

Ғолибнинг бу айтганларини ҳамон эслаб тураман ва ўйлайман: ишқилиб бизнинг шаҳарларда ўсиб-улғаяётган болаларимиз ўша сибирликларга ўхшаб “кўзи оч” бўлиб қолмасин-да!

(Давоми келгуси сонда).

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Мулоҳаза

Мўлжалга тегмаётган тадбирлар

Бир маҳалладаги тадбирга мени ҳам таклиф қилишганида бироз иккиландим. Борасан, кимдир гапиради, сўнг совға беришади, маънавий озиқ олишдан кўра қуруқ гаплардан қийналиб қайтасан, киши. Майли бу сафар ҳам борайинчи деган ўйда... Хуллас, тадбир бошланди. Залда юздан ортиқ ёшлар, қариялар. Маҳалла раиси бугунги мавзуни "Маҳалла ва маънавият" деб номлабди. Йиғилишни очиб, дабдурустдан бир онахонга сўз берди.



Ҳамид НОРҚУЛОВ

Ҳали унчалик қариб кетмаган бўлса ҳам сочлари оппоқ, кўзлари ҳорғин, елкалари қисиқ бир аёл минбарга минг тортиниб чиқди. Кейин билсак бу аёл жиноятчи гуруҳларда ҳалок бўлган йигитнинг онаизори экан. Унинг сўзларини эшитиб ўтирган зал сел бўлиб йиғлади, десам ишонинг. Фарзанд доғида куйиб, эл-юрт олдида бошини кўтаролмай қолган онанинг фарёди еру кўкни тутарди:

— Мен боламни ёмонлик учун эмас, яхшилик учун тўққиз ой кўтариб юрдим. Уни ёмонлар учун эмас, яхшилар учун ўстирдим. Элга ёв эмас, элга эл бўлсин деб емай едирдим, киймай кийдирдим. Отасиз ўстирдим, оталик ўғиллардан кам қилмадим. Шу боламга келган бало менга келсин деб кўксимни қалқон қилдим. Биринчи қадамини ташлаганда бир қувондим, "она" деб чақирганда ўн қувондим. Ўқишни-ёзишни ўрганганда Худога шукр қилдим, мактабни битирганда қушга айландим, азизлар. Туппа-тузук ишлаб юрган эдим. Икки дунёси куйган ёмонлар боламни йўлдан адаштирди. Узларига қўшиб уни ҳам лаънатга булғаб кетишди, унга қўшиб мени ҳам ўлдиришди. Залда болалар кўп экан, уларга бир оғиз сўзим бор: жон болаларим, ким нима деса ишонаверманглар, юр деса кетаверманглар. Онажонларингизнинг фарёди, оху фиғони қўлларингизга берилган уч-тўрт танга садақадан баланд. Оналарингизни йиғлатманг...

Қолган гапларни ёзолмайман. Йиғилганлар шунчалик таъсирланиб кетишдики, маҳалла оқсоқолининг "Сўзга чиқувчилар борми?" деган саволига залдан "Бундан ортиқ сўз йўқ" деган хитоблар эшитилди.

Залда ўтирган ёшлар навбат билан келиб онахонни қучоқлаб, юзларидан ўпиб, бирорта таскин гапни айтиб чиқиб кетишарди. Менинг назаримда, тадбирда асосий мақсадга эришилди. Шундай тадбирларнинг фойдаси — Ватан ҳар бир юракда қайтадан уйғонади. Ўғлидан айрилган онаизорнинг нидолари йиғилганларнинг онгига юртга, элга қўл кўтариш, тузини ичиб, тузлиғига тупириш оқпадарлик эканлигини сингдиради, десам янглишмайман.

Бу мисолни бекорга келтирмадим. Ҳозир нима кўп, тадбир кўп, унда айтиладиган насиҳатомуз гаплар кўп, хуллас, сўз кўп! Лекин биз уларни кимга айтяпмиз, кимлар бизни тинглаяпти, қандай хулосалар чиқарилмоқда? Жавобимиз ҳар доим ҳам аниқ эмас. Нега дейсизми? Номига ўтказиладиган тадбирлардан воз кечишимиз керак. Ўзини кўз-кўз қиладиган, рўйхатга тиркаб қўйиладиган ва ўтдими-ўтди деган фикрдаги тадбирларнинг бизга ҳеч ҳам кераги йўқ!

Яна бир гапни айтиш жоиз деб ўйлайман. Матбуотда жойларда бўлаётган тадбирлар кенг ёритилмоқда. Лекин баъзи мақолаларни ўқиб ҳайрон қоласан, киши. Масалан, "Фалон жойда фалон мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Уни "Маҳалла" жамғармаси", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фалон партия ва "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамда "Қизил Ярим Ой" жамияти ҳамкорликда ўтказди", дейилади. Бундай хабарлар айниқса туман газеталарида ҳар сонда учраши табиий. Тўғри, бунинг ёмон томони йўқ, лекин ҳар бир ташкилот ўзгаларни такрорламайдиган, ўзига хос тадбир уюштириб, жамоат ташкилотларини таклиф этса улар ҳам ниманидир ўрганиб, ўзларида қўлласа фойда кўпроқ бўларди, деб ўйлайман. Юқоридаги ҳолатда эса ҳамма ташкилот ўз баённомасида тадбирни биз ўтказдик, деб ёзиши табиий.

Тадбирдан кўзланган мақсад одамлар онгида муайян мавзунинг шаклланиши ва тушунча ҳосил қилишидир.

Шу билан бирга, тадбир бу — жамоатчилик фикрини ўстирадиган, керак бўлса уни катта ишларга отлантирадиган йиғин. Тадбирда иштирок этиб, бир лаган ошни шерикчиликда еб кетавериш ёки қарсак чалиб олқишлаш эмас, балки "Ия, бу нарсани билмас эканмиз, аслида бу бундоқ экан-ку" деган ўйда кетса онгда ўзгариш бўлади.

Залларда ўтадиган тадбирларда ҳам расмиятчиликдан кўра самимиятга йўл берсак, одамлар кўнглини очиб юборамиз. Бундай ҳолатлар одамлар тушунчасида уйғонган фикр-мулоҳазаларни тилга кўчиради. Мулоҳазаларда эса мавзу очилади.

Залга кириб, гапириб, сўнг сўз бериб, қарсаклар чалишдан олдин бир удумни йўлга қўйсак ёмон бўлмасди. Бунинг учун оддий бир мисол бор: Юртбошимиз республикамизнинг қайси бир жойига бормасин албатта халқ билан, одамлар билан суҳбатлашади. Уларга кўнглини шундай очадики, оддий одам ёнида давлат Президенти эмас, отаси тоғдек бўлиб турганини ҳис қилади. Натижада, суҳбат дилдан чиқади. Хўш, нега бир жойга тадбир ўтказиш учун келганимиздан кейин лоақал ярим соатга уч-тўрт хонадонга (оқсоқол билан маслаҳатлашиб) ташриф буюрмаймиз, улар билан дилдан суҳбатлашиб, озгина дардини олмаймиз. Қайси хонадон эгаси уйига келган меҳмоннинг кўкрагидан итаради ёки "Нега келдинг" деб сўрайди?

Назаримда, ўтказиладиган тадбирларимизнинг одамлар юрагига етиб бориши учун шунга ўхшаш самарали йўллари жуда кўп. Фақат йиллар давомида силлиқланиб кетган қолипдан чиқиб кетишимиз керак, холос.

Бу борада матбуотнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Ўтказилган тадбирни кичик бир хабарда қайд этиш билан чегараланиб қолмай, унга танқидий баҳо берадиган таҳлилий мақолаларни ҳам газетхонлар кутади. Афсуски, кейинги пайтларда, айниқса пойтахтда қизиқ бир одат урф бўляпти. Бирор тадбир ёки анжуман ўтказиладиган бўлса, токи телевидение мухбирлари келмагунча бошламай турилади. Ўйга толасан: тадбир ўзи ким учун ўтказиляпти, манфаатдор ташкилотларми ёки ТВ...

Ҳар қандай мазмундаги тадбирнинг моҳияти унинг одамлар юрагида қоладиган изи билан ўлчанади. Бу из кейинчалик катта йўлга айланади. Шу изни чизиш учун эса қуруқ гапдан қочиш керак!

Яшараётган Самарқанд

Давоми 2-бетда.

2007 йил апрель ойида "Самарқанд шаҳрининг дунё цивилизацияси тарихида тутган ўрни" мавзусида илмий семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик Ш. Солиҳов ва республикамизда жойлашган 32 та олий ўқув юртларининг тарихчи-олимлари ҳамда СамДУ иқтидорли талабалари ва магистрантлари иштирок этди.

Шу йилнинг май ойида ўтказилиши режалаштирилган "Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий симпозиумга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Юбилей муносабати билан Самарқандннинг жаҳон тамаддуни тарихи ва бугунги кунида тутган улкан мавқеи, шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётига доир қатор китоб-альбом, буклет ҳамда илмий, илмий-оммабоп асарлар нашр этилди. Хусусан, "Самарқанд: кеча, бугун, эртага" китоби, "Самарқанд тарихи" китоби, шунингдек, "Регистон" меъморий мажмуаси, "Шоҳи Зинда" мажмуаси, "Амир Темур" мақбараси, "Бибихоним" ансамбли, Хўжа Дониёр мақбараси ҳақидаги буклетлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланди.

Шунинг билан биргаликда, "Самарқанд ҳақида", тарихчи олим Н. Якубовнинг "Легенды о Самарканде" рисоласи асосида "Самарқанд ҳақида ривоятлар" китоби, "Самарқанд" каби илмий ва илмий-оммабоп китоблар, "История Самарканда в источниках с древнейших времен до эпохи Амира Темура" монографияси тайёрланди.

Азим шаҳримиз ҳаётининг намуна бўлишга арзигулик жабҳаларини ёритувчи бадиий ва ҳужжатли фильмларни суратга олиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Жумладан, "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги"га бағишланган 5 та ҳужжатли фильм суратга олинмоқда.

Бугунги кунда шаҳримизнинг бутун илмий маърифий ва маданий салоҳияти, сиёсий ва иқтисодий имкониятлари кун тартибидаги энг муҳим вазифа — азим шаҳримизнинг байрамини муносиб ўтказиш, узоқ ва яқин аждодларимиз ва замондошларимизнинг орзу-истаклари, интилишларини амалга ошириш, башарият олдидаги хизматларини халқаро ҳамжамият олдида намойиш эта олишга қаратилган. Бу мақсадни амалга оширишда нафақат шаҳримизнинг иқтисодий ва маданий маърифий потенциали, балки республикамиз ва бир қатор хорижий давлатлардаги ташкилот ва жамғармалар, илмий ва маърифий муассасаларнинг етакчи мутахассислари ҳам жалб қилинган.

Ўйлаймизки, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, шу муқаддас юртга назар солган Тангри мададкорлиги ва буюк аждодларимизнинг покиза руҳлари кўмагида қутлуғ байрам катта шодиёналар билан ўтишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Собир ТОҲИРОВ,
СамДУ катта ўқитувчиси, филолия фанлари номзоди,
Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

Иқтисод

Қулай сармоя муҳити

у инвестиция жараёнларни фаоллаштириш ва иқтисодий тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимиз иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтар экан, хўжалик юритишнинг турли кўринишдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлди. Давлат мулкининг миллий иқтисодиётдаги салмоғи камайиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да нодавлат сектор даромадларининг ортиши кузатилди. Иқтисодий тизимда туб ўзгаришлар амалга ошириш, қолаверса, фуқароларнинг тафаккур тарзини янгилаш билан боғлиқ бу жараён маълум қийинчиликлар билан кечиши турган гап. Шу маънода айни пайтда юртимизда давом этаётган бозор ислоҳотларининг босқичма-босқич тартибда кетаётганини ҳам табиий қабул қилиш зарур.

Маълумки, хоҳ ривожланган, хоҳ ривожланаётган бўлсин ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида инвестиция жуда муҳим ўрин тутади. Ҳозирда дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олган мамлакатлар ёхуд шиддат билан тараққий этиб бораётган Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар тажрибаси ҳам буни тасдиқлайди. Ўзбекистонда ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг бирламчи омилларидан бири сифатида қулай сармоя муҳити яратиш, инвестицион жараёнларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилятпи.

Аслида ялпи ички маҳсулот қийматида нодавлат сектор ўрни ошиши капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициялашнинг бозор шаклига ўтишни тақозо этар эди. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳам айни шу қоидага қатъий риоя этилаётганини кўриш мумкин.

Агар Ўзбекистондаги сармоявий муносабатларнинг тадрижига эътибор қаратсак, бу биринчи навбатда мамлакатда инвестицион инфратузилмани барпо этиш ва такомиллашиб бориши билан баҳоланади. Бу эса ўз навбатида янги тузилмаларнинг пайдо бўлиши, тижорат банклари, махсус молия-кредит ташкилотларининг шаклланиши билан ифодаланади.

Бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг асосий шарти молиявий манбаларнинг доимий такомиллашиб, кўпайиб бориши саналади. Шу билан бирга мазкур жараёнда хусусий капиталнинг давлат капиталига нисбатан устуворлиги, инвестицион фаолиятда иштирок этувчи турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ортиб бориши ҳам муҳим.

Ўзбекистонда сармоя бозори ана шу талаблар асосида шаклланиб боряпти. Айтиш керакки, юртимизда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани, бу борадаги қонунчилик базасининг мустаҳкамлангани, қолаверса, эркин бозор муносабатларининг фаоллашуви туфайли миллий иқтисодиётда сармоявий жараёнларнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин.

Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан тарқатилган мамлакатимизнинг 2007 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги маълумотга кўра, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай муҳит яратиш ва тезкор мониторинг ўрнатиш капитал қўйилмаларни жадал ўзлаштириш имконини берди. Ушбу маблағлар миқдори молиялашнинг барча манбаларини ҳисобга олинган ҳолда 967,2 миллиард сўм ёки йиллик прогнозга нисбатан 19,2 фоизни ташкил қилди. Шу тариқа юртимизда инвестицияларнинг ўсиш суръати 2006 йилнинг биринчи чорагига қараганда 8 баравар ошди ва 36,4 фоизни ташкил қилди.

Таҳлиллар мамлакатимиз иқтисодиётида чет эл сармояларининг улуши сезиларли даражада ошиб бораётгани кўрсатмоқда. Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, юртимизда биргина 2007 йилнинг дастлабки чорагида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий миқдори 131,1 миллион долларни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига қараганда 1,8 бараварга ортди.

Албатта, юртимизда иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида сармоявий муносабатларни такомиллаштириш борасида катта қадамлар қўйилди. Бироқ шу билан бирга айни пайтда бўш пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали сармоявий институтларни янада ривожлантириш ҳам талаб этилади. Бундан ташқари, инвестиция капитали таркиби ва субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши ҳам мазкур фаолиятни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бозор иқтисоди талабларига кўра, вақт ўтиши билан устувор тармоқларни давлат бюджети ҳисобидан сармоялаш кўрсаткичи қисқариб, бу борадаги муаммоларни хусусий сектор воситасида ҳал қилиш зарур. Лекин хусусий сектордаги субъектларнинг миқдори ошиб бораётган бўлсада, ҳозирча уларнинг имкониятлари инвестицион фаолиятдаги муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас.

Бозор муносабатларига мос равишда хўжалик юритишнинг турли хил шакллари пайдо бўлиши сармоявий фаолиятнинг номарказлашувига, кўлами ва самарасининг ортиб боришига олиб келиши лозим. Ҳозирча бу асосан давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобига амалга оширилятпи.

Шундай қилиб, иқтисодиёт локомотиви саналган инвестицион фаолиятнинг такомили мазкур тизимда эркин бозор муносабатларини фаол жорий этиш, махсус молия-кредит институтларини ривожлантиришга боғлиқ.

Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент молия институти магистранти

Фуқаролар мурожаати

унинг судда қандай тартибда кўриб чиқилишини, афсуски, ҳамма ҳам билавермайди

Айниқса, ҳозирги даврда фуқароларга ўз ҳуқуқлари, қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш-да ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича мунтазам тушунчалар бериб бориш, суд-ҳуқуқ тизими органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек, бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Мамлакатимизда фуқаролик суд ишлари ўзбек, қорақалпоқ ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, она тилида кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, судда сўзлаш, арз билан мурожаат этиш ва илтимосномалар тақдим этиш, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади. Суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг она тилларига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади.

Бизнингча, ҳозирги кунда энг муҳим муаммо шуки, фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни қай тартибда амалга оширишлари мумкинлигини яхши билишлари лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ўз фаолиятларини даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят, аризалар бўйича ҳамда алоҳида иш юритиш тартибида амалга оширадилар.

Фуқаролар бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган бўлсалар-у, суд томонидан қабул қилинган қарорлардан норозилик келиб чиққан тақдирда қуйи судларнинг қарорлари устидан 20 кунлик муддат ичида юқори турувчи суд инстанциясига апелляция шикояти келтириш муддати айрим сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда эса 1 йиллик муддат ичида кассация инстанциясига шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Агар апелляция ва кассация инстанцияси ажримидан ҳам норози бўлсалар 3 йиллик муддат ичида назорат тартибида шикоят келтириш ҳуқуқига эгалар.

Қонунда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлиб, фуқароларнинг кундалик ҳаётларида дуч келадиган ўз ҳуқуқларини, хусусан, меҳнат, оила, мерос, уй-жой, шаън, қадр-қиммат ва ҳоказо ҳуқуқларини белгиловчи меъёрлар содда тил билан айтилганда моддий ҳуқуқ, юқорида қайд этилган ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби, усули ва қоидаларини ўз ичига олган нормалар эса процессуал ҳуқуқ нормалари, деб юритилади.

Такрор бўлса ҳам айтиш лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун суд-ҳуқуқ органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш лозим. Ана шундагина биз олдимизга мақсад қилиб қўйган фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларни фаоллигини ошириш жараёни янада тезлашади.

А. ХУШВАҚТОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси

Яқинда юз нафар ҳамюртимизга "Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қандай қонунларни биласиз?" деган савол билан мурожаат қилдик. Таассуфки, респондентларнинг 79 нафари бирорта ҳам қонунни билмасликларини айтишди. Уч нафар ҳамюртимиз айни пайтда эслай олмаётганлигини таъкидлашди. Фақатгина 18 нафар юртдошимиз баъзи бир қонунларни тилга ололди, холос. Шундай экан, беихтиёр ўйлаб қоласан: бунинг сабаблари нимада экан?..

Қонунлардан нақадар хабардормиз?

Бизнингча, бунга парламент хабарларининг барча ОАВда деярли бир қолипда берилаётгани асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Боиси, йирик нашрларимизда, асосан Қонунчилик палатаси матбуот хизматининг "пресс-релиз"лари чоп этилаётир. Улар эса тахминан шундай қолипда бўлади: "Бугун Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Биринчи ўқишга киритилган ушбу қонун лойиҳасини депутатлар моддама-модда (баъзи ўринларда "бандма-банд") муҳокама қилишиб, айрим моддаларига ўзгартишлар киритишди. Шундан сўнг лойиҳа овозга қўйилиб, биринчи ўқишдаёқ қабул қилинди".

Мухбирнинг ушбу изоҳидан сўнг депутатлардан бири интервью беради: "Дарҳақиқат, ушбу қонун бугун мамлакатимизда жуда долзарб эди. Унинг қабул қилиниши бу борадаги ишларни бир тизимга солади".

Бизнингча, ОАВда қонунчиликка доир таҳлилий материаллар жуда кам. Дейлик, ННТ тўғрисида қонун қабул қилинди. Аввало, ННТлари фаолияти кафолатланганлиги нималарда кўринади, яъни қандай ҳолларда ва қай тарзда кафолатланади? Қолаверса, "бандма-банд" муҳокамадан сўнг қайси моддалар ўзгартирилди? Ва у жамият ҳамда бизга нима бера олади? Бу саволлар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Матбуотимизда парламент йиғилишларининг асосий мазмуни эмас, балки одамларнинг меъдасига теккан шаклшамоил устувор. Табиийки, фуқароларимиз ҳар куни парламент фаолиятини шундай зерикарли тарзда тинглар ёки ўқир экан, юқорида таъкидланган 79 сони яна кўпайиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони, бизнингча, депутатларимиз фақатгина ваколатли идоралар тақдим этадиган лойиҳаларни эмас, фуқароларнинг бугунги эҳтиёжларини қондирадиган, кунаро дуч келадиган муаммолари акс этган, уларни тез ва осон ечишда амалий ёрдам берадиган қонунларни янада кўпроқ қабул қилишлари лозим. Бу омиллар эса фуқароларимизнинг қабул қилинаётган қонунлардан хабардорлик даражасини ҳозирги ҳолатдан бир неча баробар кўпайишига хизмат қилади. Одамлар эса парламентдаги ҳар бир жараённи ҳеч қандай изоҳларсиз кузатиб боради.

Қобил ХИДИРОВ

Танлов давом этади

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларида мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказилаётган "Жамият ва мен" танлови давом этади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— **энг яхши таҳлилий мақола;**
— **энг ўткир танқидий мақола;**
— **энг яхши журналист текшируви;**
— **интернетдаги энг яхши мақола;**
— **энг муфассал шарҳ;**
— **энг яхши фоторепортаж;**
— **йил дебюти (талаба-журналистлар учун).**

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда, "Жамият ва Мен" танловига" рукнида 2006 йилнинг 1 сентябридан — 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Жамият ва Мен" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 15 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: *Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.*

Телефон/факс: 144-12-51, **www.mmf.uz, e-mail:mmf@uzpak.uz.**

Ташкилий қўмита

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Нигоҳ

Осмон узоқ, ер қаттиқ...

Жаҳон банки президенти Пол Вулфовиц мансабини суиистеъмол қилгани учун истеъфога чиқадиган бўлди

Дунёга таниқли бўлган арбоблар, сиёсатдонлар, раҳбарларга ҳам қийин: юрган ҳар қадами жамоатчилик назарида. Тинибтинчимас ва шов-шувга ўч Ғарб журналистларини-ку айтмаса ҳам бўлади: машҳур зотлар оёқдан тойиб, бирор хатога йўл қўярмикин деган илинжда уларни нигоҳ узмай кузатишади. Агар озгина эътиборсизликка йўл қўйилдими, тамом, юксак поғоналарни забт этган арбобларни зумда ерга тушириб қўйишади. Айниқса, аёллар билан боғлиқ муносабатда ҳушёр бўлмаган раҳбар узоққа бориши даргумон...

Собиржон ЁҚУБОВ

Пол Вулфовиц Жаҳон банки президенти сифатида халқаро майдонда ном қозонган обрўли шахслардан бири эди. Бироқ маиший ҳаётга дахлдор можаролар ана шундай нуфузли арбобни ҳам синдирди, баланд обрўсини паст қилди.

Агар бундан икки-уч йил олдин кимдир АҚШ мудофаа вазири ўринбосари лавозимида хизмат қилган Пол Вулфовиц биргина аёлнинг ортидан ишдан кетади деса, катта сиёсатга тиши ўтадиган одам бу гапга шунчаки бўлмағур тахмин сифатида эътибор бермасди ҳам. Нега деганда, бир неча йил олдин Пентагон раҳбарининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган Пол Вулфовиц АҚШ мудофаа сиёсатининг асосчиларидан бири сифатида жуда катта ишончга сазовор бўлган эди. Қолаверса, Ироқ уруши каби жуда жиддий амалиёт ташаббускорларидан бири бўлган арбобдан маъшуқасини деб (турмуш ўртоғи эмас!) мансабини суиистеъмол қилишдек енгилтакликни ҳеч ким кутмасди. Бироқ кутилмаган воқеаларга бой халқаро сиёсатда бундай можаролар кунда-кунора рўй бериб туради.

Аввало, можаро қаҳрамон ҳақида икки оғиз маълумот. Ҳозирча Жаҳон банки президенти бўлиб турган Пол Дандес Вулфовиц 1943 йилнинг 22 декабрида Нью-Йорк шаҳрида польяк яҳудийси оиласида туғилган. 1965 йили АҚШдаги Корнелл университетини математика мутахассислиги бўйича тугатган. Университетда ўқиб юрган пайтларида Вулфовиц математиканинг мураккаб масалаларидан кўра сиёсатнинг нозик алдовларига кўпроқ қизиқди. Бу қизиқиш уни Чикаго университети политология факультетига етаклади. Бўлажак арбоб шу университетда дастлаб магистрлик, кейинроқ докторлик илмий даражасини олди. 30 ёшидаёқ сиёсатшунослик доктори бўлган йигитнинг келажаги порлоқ эканини кўпчилик башорат қилганди. Пол Вулфовиц иш фаолияти давомида ана шу башоратларни рўёбга чиқаришга интилди.

Бир неча йил давомида АҚШ ҳукуматининг турли идораларида хизмат қилган польяк муҳожири фарзанди 1989 йили мамлакат мудофаа вазирининг стратегик масалалар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Форс кўрфазидаги ҳарбий амалиётлар, хусусан, биринчи Ироқ уруши режасини ишлаб чиқишда қатнашди.

Вақтлар ўтиши билан Қўшма Штатлар мудофаа соҳасининг етакчи раҳбарларидан бирига айланган Пол Вулфовиц Пентагонининг замонавий стратегиясини тайёрлашга бошқош бўлди. Бир замонлар катта Жорж Буш маъмуриятида хизмат қилган арбоб кейинроқ унинг ўғли давлат бошлиғи бўлишига ҳам катта ҳисса қўшди. 2000 йилги президентлик сайловида ғалаба қозонган кичик Жорж Бушнинг ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш ҳам Кондализа Райс ва Дональд Рамсфелд билан бирга Пол Вулфовиц чекига тушди.

2001 йили иккинчи бора мудофаа вазирининг ўринбосари лавозимида тайинланган Пол Вулфовиц Американинг бутун дунёга ёйилган аксилтеррор амалиёти ғоявий "ота"ларидан бирига айланди. Вулфовицни арбоб сифатида омади чопганлар қаторига қўшиш мумкин. Ироқ уруши туфайли халқаро ҳамжамият ва Америка халқининг норозилиги кучайган пайтларда Пентагон раҳбарининг ўринбосари ўлароқ у ҳам "шеф"и Дональд Рамсфелд каби лавозимдан кетиши кутилганди. Бироқ бир сакраб очиқ сиёсатдан яширин сиёсатга ўтди: 2005 йилнинг 31 мартида Жаҳон банки президентлигига сайланди. Албатта, бу тайинловда Вулфовицнинг амалдаги ҳукумат учун қилган хизматлари асосий ўрин тутганини айтиб ўтиш шарт эмас.

Табиатан кескин ва шов-шувли чиқишларга ўч Вулфовиц Жаҳон банки президенти сифатида иш бошлаган илк пайтларданоқ коррупцияга қарши аёвсиз кураш эълон қилди ва айни шу жиноятга алоқадорликда гумон қилинган ҳукуматларни молиявий кўмакдан маҳрум қилди. Бироқ, не ажабки, коррупцияга қарши уруш эълон қилган раҳбарнинг ўзи охир-оқибат мазкур айблов билан ишдан кетадиган бўлиб турибди.

Пол Вулфовицнинг ихтиёрий-мажбурий равишда истеъфога чиқаётгани сабаби қуйидагича. Маълум бўлишича, Жаҳон банки раҳбари кўп вақтдан бери асли араб миллатига мансуб бўлган ва айнан шу муассасада ишлайдиган Шаха Али Риза исмли аёл билан никоҳсиз муносабатда бўлиб келган (оилавий келишмовчиликлар туфайли 2002 йили хотини Клэр Селгин билан ажрашган Вулфовицнинг биринчи никоҳидан икки қиз ва бир ўғли ҳам бор). У Жаҳон банки президентлигига ўтганидан кейин банк аҳлоқ кенгашининг маслаҳати билан Шаха Али Риза бошқа ишга — Давлат департаментига ўтказилди (раҳбар ва бўйсунувчи ўртасида ишқий муносабатларнинг бўлиши Жаҳон банки қоидаларига тўғри келмас эди). Албатта, Ғарб жамияти учун раҳбарнинг никоҳсиз ишқий муносабат ўрнатиши одатий ва оддий ҳол. Шу боис ҳам Жаҳон банки раҳбарининг шахсий ҳаётига кўп-да эътибор беришмади. Бироқ кейинроқ Пол Вулфовиц юқори лавозимидан фойдаланиб маъшуқасига белгиланган меъёрдан ҳам баланд тарифда ойлик маош тайинлагани маълум бўлди. Гарчи Давлат департаментида ишласа-да, Жаҳон банки штатига бириктирилган Шаха Али Риза оз эмас 193590 доллар йиллик иш ҳақи олиб келган. Энг қизиғи, эркатой хонимнинг маоши Давлат департаменти раҳбари Кондолиза Райснинг ойлигидан ҳам кўпайиб кетган. Боз устига, Шаха Али Риза норасмий хўжасининг қўллови билан тез орада юқори мансабга ҳам тайинланган.



Агар Пол Вулфовицнинг ҳотамтойлиғи билан боғлиқ бу ҳолат жамоатчиликка маълум бўлиб қолмаганда, ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолган ва Жаҳон банки раҳбари ҳам ўз курсисида хотиржам ўтирган бўлармиди... Бироқ оммавий ахборот воситалари орқали ноғора чалиб жар солингандан кейин (Жаҳон банки каби нуфузли идоранинг президенти нега шахсий манфаати йўлида мансабидан фойдаланади?) халқаро молия муассасаси директорлар кенгаши томонидан махсус текширув комиссияси тузилди. 24 кишилик аъзолардан ташкил топган комиссия (табиийки, уларнинг ҳар бири энг камида директор мақомидаги шахс) бир ойдан ошиққа чўзилган текширувлардан кейин Пол Вулфовицни Жаҳон банкининг ахлоқий тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузган деб топди.

Тўғриси, президентнинг ўзи дастлаб илгари сурилаётган барча айбловларни қатъиян рад этди. Бироқ ҳамма-ҳаммаси исботлаб берилганидан кейин айбини бўйнига олди, қанчалик қийин бўлмасин, ўз ихтиёри билан 2007 йилнинг 30 июнидан истеъфога чиқишини ҳам маълум қилди.

Шу тариқа Жаҳон банки президенти катта сиёсатга айланиб кетган кичик маиший масала туфайли лавозимидан кетадиган бўлди. Банк директорлар кенгаши эса ҳозирданоқ янги номзодларни қидиришга тушиб кетди.

Робита

Асосий мақсад: ахборотни тўғри ва холисона етказиш

Халқаро анжуманда барча иштиркочилар ана шундай хулосага келдилар

Мафтункор ва гўзал диёр

"Саламат датанг!" — "Хуш келибсиз!"? малай тилидаги ушбу ибора билан биз ўқувчиларимизга бугунги кунда дунё миқёсида ўзига хос обрўэътиборга эга, Жануби-шарқий Осиёда жойлашган, бой тарихий ҳамда замонавий қиёфа уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган Малайзия давлатига бўлган хизмат сафаримиз тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Малайзиянинг бир қисми Малакка яриморoли ҳамда иккинчи қисми Малай архипелагида жойлашган. Давлат икки қисмдан иборат бўлиб, улар Малайзия яриморoли (ёки Ғарбий Малайзия), ҳамда Шарқий Малайзия ва Калимантан ороли ҳудудидаги Сабах ва Саравак вилоятларидан иборатдир. Аҳолининг 52% малайликлар, 32% хитойликлар ва 10% аҳолиси Жанубий Осиё мамлакатлари вакиллари ҳисобланади. Давлат тили — малай тили. Аҳолининг айрим вакиллари хитой ва тамил тилларидан ҳам фойдаланадилар.

Куала-Лумпур (ёки KL) Малайзиянинг пойтахти. Бу замонавий шаҳар давлатнинг сиёсий ва иқтисодий маркази ҳисобланиб, 245 кв. км. майдонга эга. Шаҳар узра дунёдаги энг баланд бино Петронас Твин-Тауэрснинг кумуш билан сайқал берилган жилоси ҳар бир инсонни ҳайратга солиб, ўзига мафтун этади.

Фикрлар уйғунлашганда...

2007 йилнинг 3-4 май кунлари Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпур шаҳридаги Nikko меҳмонхонасида "Инқирозли ҳолатларда соғлиқни сақлаш тизимида ахборот бошқаруви масалалари" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур конференция Малайзия ахборот вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳамкорлигида ўтказилди. Конференция ишида 20 та давлатдан 80 нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашди.

Анжуманни Малайзиянинг фахрий бош вазири ўринбосари Дато Сри Мохд Нажиб Тун Абдул Раззоқ очар экан, ўтказилаётган тадбирнинг аҳамияти, инқирозли жараёнларда аҳолини аниқ ва тўғри ахборот билан таъминлаш зарурати ҳамда бу ишда барча ташкилотларнинг ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, очилиш маросимида Малайзия ахборот вазири Датук Сери Зайниддин Майдин ҳамда таълим вазири Дато Сри Хишамуддин Тун Ҳусайн ҳам иштирок этиб, мазкур тадбир тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Конференция иши 4 секция ва ишчи гуруҳлар фаолиятидан иборат бўлиб, тадбирнинг биринчи кунида иштирокчилар "Инқирозли вазиятларда аҳоли билан мулоқот маҳоратини оширишга чақириш", "Электрон оммавий ахборот воситаларининг роли",

"Ҳайвонларда учрайдиган юқумли касалликлар тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш ва ахборот бошқарувини тўғри йўлга қўйиш" каби маърузаларни тингладилар. Анжуманда кўтарилган масаланинг моҳияти шундан иборат бўлдики, тадбирнинг биринчи кунида 20 та давлатдан ташриф буюрган турли соҳа вакиллари (олий ўқув юртлари ўқитувчилари, соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқалар) мавзу доирасидаги асосий мақсадга қаратилган, яъни ҳар бир соҳада, айниқса, тиббиёт тизимида рўй бераётган тезкор воқеа ва ҳодисаларни халққа етказишда журналистнинг фаолият йўналиши қандай бўлиши кераклигини ўз маърузаларида ифода этдилар. Мутахассислар имкон даражасида баҳсли саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Конференциянинг иккинчи кунида эса Малайзия, Хитой, Ҳиндистон ва Куба давлатларининг соғлиқни сақлаш тизимидаги инқироз ҳолатларида ахборотни аҳолига тўғри ва холисона етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни қандай бўлиши кераклигига бағишланган тақдимоти ўтказилди. Унда маърузачилар глобал мавзу бўлган юқумли касалликлар, ОИТС ва парранда гриппи тўғрисида батафсил тўхталиб, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Тақдимот хулосаси бўйича асосий масала бўлган тизимдаги инқирозли ҳолатларни кенг оммага холисона етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли муҳимлиги ўз ифодасини топди, десак янглишмаган бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, икки кунлик тадбир давомида иштирокчилар 7 гуруҳ бўйича олиб борган амалиётлар баҳс ва мунозарага бой бўлди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари фаолиятига урғу берилди. Жумладан, мазкур гуруҳларда биз ҳам иштирок этиб, республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳамда соҳада рўй бераётган янгилик ва тезкор ахборотларни аҳолига етказишда журналистларнинг ўрни, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари билан тез-тез ўтказилаётган матбуот йиғилишларини айтдик, керакли таклифларимизни бердик.

Президентимизнинг биз, журналистлар ишига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли Ўзбекистонда бугунги кун журналисти ўз ўрнига эга эканини уларнинг, айниқса , Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа бир қатор жамоат бирлашмалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Биз гуруҳдаги ўзаро фикрлашув жараёнида Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган Олий журналистика курсида талабаларнинг ихтисослаштирилган соҳа мутахассислари даражасида тайёрланаётганини фахр билан тилга олдик.

Икки кунлик конференцияда кўрилган масалаларнинг интиҳоси шуни кўрсатдики, оммавий ахборот воситалари ходимлари кенг жамоатчилик билан яқин бўлишлари ва ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатишлари зарур ва муҳим экан.

Анжуман сўнгида тингланган маърузалар ва гуруҳларнинг муҳокамаси асосида декларация қабул қилинди. Унда асосан, юқорида таъкидлаган фикрларимизнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда барча давлатлар бу борадаги фаолиятларни шакллантириш муҳимлигини ўз олдиларига мақсад қилиб олдилар.

Биз мазкур халқаро анжуманда катта таассуротлар билан қайтар эканмиз, аввало чет давлатларида ўтказиладиган ана шундай нуфузли конференцияда қатнашиш имкониятини яратиб берган давлатимизга, шунингдек, бизнинг тиббиёт тизимида олиб бораётган фаолиятимизни қўллаб-қувватлаган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Малайзиянинг Ўзбекистондаги ҳамда Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз ва олган назарий билим, тажрибаларимизни амалда қўллаймиз деган умиддамиз.

Ибодат СОАТОВА,
"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана" газетаси ижрочи муҳаррири,
Ирода ИЛҲОМОВА,
шу газета мухбири

Тошкент — Куала-Лумпур — Тошкент

Фаолият

Банк мижоз учун

Бу Халқ банки фаолиятининг асосини ташкил этади

Муҳтарам Юртбошимиз 2006 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида банк-молия тизими олдига бир қатор устувор вазифаларни белгилаб бердилар ва банкларнинг ўз мижозлари билан муносабатига тўхталиб: «Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мижозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин», деб таъкидлаб ўтдилар. Шунга асосланган ҳолда ўз иш фаолиятини «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори билан ташкил этган Халқ банки 2007 йилнинг ўтган даври давомида ижобий натижаларга эришди. Хусусан, банк капитали 1,6 млрд. сўмга кўпайиб жорий йилнинг 1 май ҳолатига 23 млрд. сўмга яқин миқдорни, банк активлари 70 млрд. сўмга ортиб бугунги кунда 230 млрд. сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этди. Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида кўрилаётган чоралар натижасида банк филиаллари кассаларига 320 млрд. сўмга яқин миқдорда нақд пул жалб қилинишига эришилди. Бу ўз навбатида банкнинг ўз мижозлари олдидаги нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи талаби бўйича бажарилишига имкон яратмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш борасидаги тадбирлар ҳам жадаллаштирилиб, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалари сони 82000 донага етказилди, эмиссия қилинган пластик карточкаларни 40 фоиздан ортиғи иш ҳақи лойиҳаларига мўлжалланган. Мижозларга қулайликлар яратиш ҳамда уларга нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини кенгайтириш мақсадида 1000 дан ортиқ терминаллар аҳоли гавжум жойлардаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ва банк филиалларига ўрнатилиб мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Депозит сиёсати» омонатчилар манфаатини кўзлайди

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш борасида Халқ банкининг олиб бораётган «Депозит сиёсати» омонатчилар манфаатини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Банк томонидан омонатчиларга яратилаётган қулайликлар ҳамда омонатларнинг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланганлиги кўп миллионли омонатчиларнинг Халқ банкига бўлган ишончини орттириб бормоқда. Натижада 2007 йилнинг ўтган даври давомида аҳоли омонатлари қолдиғи йил бошига нисбатан 7,0 млрд. сўмдан ортиқ миқдорга ошди.

Айниқса, банк томонидан жорий қилинган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган «Матонат», халқимизнинг ҳақиқий фидоийларини хайрия тадбирларида фаол иштирок этишига имкон берувчи «Маҳалла фидоийлари», Ижтимоий ҳимоя йилида келажагимиз бўлган ёшларни ҳимоялашга қаратилган «Ёш оила», юқори даромад олиш имконини берувчи «Офарин» ва ютуқли «Бинафша» каби янги омонат турлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Фикримиз исботи сифатида банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали омонатчиси Светлана Саидкамолова фикрини келтирамиз:

— Ортиқча маблағларимни Халқ банки ютуқли омонат турларига анчадан бери қўйиб келаман. Омонатдаги маблағларимни биринчи талабим бўйича берилиши давлат томонидан кафолатланган. Банкнинг ютуқли омонат турларига менда қизиқиш катта. Яқинда «Фурсат» омонатига қўйган маблағим эвазига фоиз даромадларига қўшимча равишда энг катта пул ютуғи соҳиби бўлдим. «Халқ банкини — оила банки» деб бежиз айтишмаган экан, чунки банк омонатчиси сифатида кўлга киритган ютуқ оиламиз иқтисодини яхшилашга жуда катта ёрдам бўлди. Биз оила аъзоларимиз билан биргаликда Халқ банкидан миннатдормиз.

4,9 миллион фуқарога жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақаси очилди

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунини асосий ижрочиси сифатида Халқ банкига юклатилган вазифаларнинг барчаси, яъни янги тизимни ташкил этиш, иштирокчиларга жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларини очиш, фуқароларни шахсий ҳисоб варақларига пенсия бадалларни киритиш, банк филиалларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мақсад ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тўлақонли етказиш кабиларнинг ижроси таъминланиб келинмоқда.

Ўз навбатида, матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг моҳияти ҳамда афзалликлари юзасидан доимий равишда давра суҳбатлари, тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилди. Бунда тизимни мақсад ва моҳияти ҳамда фуқароларнинг тизимда ихтиёрий равишда фаол иштирок этишлари борасидаги тарғиботларга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2007 йилнинг 1 май ҳолатига Жамғариб бориладиган пенсия тизимида 4,9 миллиондан кўпроқ фуқарога ягона маълумотлар электрон базасида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари очилди.

Шу билан бирга иш берувчилар томонидан жамғариб бориладиган пенсия бадалларини Халқ банки филиалларига ўтказиб берилиши устидан Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда ўрнатилган мониторинг натижасида мажбурий ва ихтиёрий асосида йиғилган пенсия бадаллари 2007 йилни 1 май ҳолатига 60,4

млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўз навбатида, жамғариб бориладиган пенсия маблағлари юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштирилиб Халқ банки ҳар бир иштирокчини шахсий ҳисоб варақларига фоиз даромадларини қўшиб бормоқда. Хусусан, тизим иштирокчиларини жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағларига ўтган 2005-2006 йиллар якуни бўйича Республикамиздаги инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда фоиз даромади тўланди.

Кредит янги иш ўринларига замин бўляпти

Банк салоҳияти – унинг ресурс базаси, хизмат кўрсатаётган мижозлар сони ҳамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилаётганлиги билан баҳоланади. Бу борада ҳам Халқ банки томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Амалга оширилган тадбирлар натижасида банк кредит портфели 2007 йилнинг ўтган даври давомида 43,8 млрд. сўмга ортди. Хусусан, жорий йилнинг январ-апрел ойларида банк филиаллари томонидан 49 млрд. сўм маблағ кредит сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ва жисмоний шахсларни истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳамда ипотека йўналишларига ажратилди. Маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаб халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 6,3 млрд. сўм кредит ажратилган бўлиб унинг 40 фоиздан ортиғи микрокредитларга ҳамда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб қувватлашга йўналтирилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва жисмоний шахсларни чорва моллариға бўлган эҳтиёжини кредитлашга алоҳида аҳамият қаратилиб фермер ва деҳқон хўжаликларига 3,1 млрд. сўм, шунингдек, 2800 га яқин оилаларга 2,1 млрд. сўм чорва молларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланаётган 10000 дан ортиқ фермер хўжаликларига 40,3 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ва қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилиш учун 2,9 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланди. Ажратилган кредитлар ўз навбатида жойларда янги иш ўринларини очишга ва унга маҳаллий ёшларни жалб қилишга замин яратмоқда.

Янги хизмат турлари мижозлар сонини оширмоқда

Ўз мижозлари ва аҳолига қулайлик ҳамда имкониятлар яратишда доимо изланишда бўлган Халқ банки маҳалла ва коммунал соҳаси бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ҳамкорликда яратилаётган қулайликлар натижасида болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга тайинланган моддий ёрдам пулларини 70 фоиздан ортиғи олдиндан келишилган жадвал асосида маҳаллаларга чиққан ҳолда жойида тарқатилиши ташкил этилган. Эндиликда нафақа ва ёрдам пулларини олувчи фуқаролар қимматли вақтларини тежаган ҳолда ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллада ижтимоий тўловларни олиш имкониятларига эга бўлмоқдалар. Бу ҳақда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Бўстон» қишлоқ фуқаролари йиғини фуқароси Сапура Шерматова ўз фикрини қуйидагича изоҳлайди:

— Мана маҳалламиздаги болалар нафақаси ва ёрдам пулларини олувчилар ортиқча вақт кетказмасдан ва йўл ҳақи харажатларини қилмасдан маҳалламизни ўзида ижтимоий тўловларни ўз вақтида олмоқдалар. Яратилган қулайликлар учун маҳалламиз аҳолиси Халқ банкидан миннатдор.

Шу билан бирга Халқ банкининг ўзиюрар банклари ва сайёр кассалари коммунал тўловларни ишдан кейин ва дам олиш кунлари қабул қилишни йўлга қўйганлиги аҳолига анча қулайликларни ҳамда қимматли вақтларини тежашга имкон бермоқда. Ҳозирда бир ойда банк филиалларида қабул қилинаётган коммунал тўловларнинг 40 фоиздан ортиғи банкнинг сайёр кассалар улушига тўғри келмоқда. Банк томонидан аҳолига истеъмол товарларини харид қилиш учун «Овердрафт» истеъмол кредити жорий этилган бўлиб, банкнинг доимий мижозлари олдиндан ойлик даромадлари ҳисобидан Халқ банки пластик карточкалари орқали узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларни харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозиргача 2000 дан ортиқ банкнинг омонатчилари ушбу имконият ва қулайликдан баҳрамад бўлдилар. Шунингдек, Халқ банки тизимида миллий валютадаги пул ўтказмаларини «Тезкор» хизмат турлари орқали амалга оширилишини йўлга қўйган ва ҳозирда банкнинг минглаб мижозлари ушбу сервис хизмат туридан фойдаланиб келмоқдалар. Яратилаётган қулайлик ва имкониятлар ўз-ўзидан банк мижозлари сони ошишига олиб келмоқда. 2006 йил давомида улар сони 19500 тага ошган бўлса, 2007 йилнинг ўтган даврида 5000 тага кўпайди.

Мижозлар учун манфаатли хизмат турларини тадбиқ этиб келаётган Халқ банки жамоаси келгусида ҳам ушбу йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириб боради.

Халқ банки
матбуот хизмати

Тадқиқот

Бобурийлар армони

Улар томонидан уч юз йил давомида яратилган юздан ортиқ луғат ва қўлланмалар Ҳиндистонда тадқиқотчиларни кутмоқда

Агар бобурийлар ҳаёт бўлганларида эди, очиғи, биз — ўзбек тилшуносларидан жуда хафа бўлган бўлур эдилар. Сабаби — Бобур васиятига биноан улар уч юз йил давомида юздан ортиқ катта-кичик икки ва кўп тилли луғат ва қўлланмалар яратиб, ўзбек тилини сақлаб қолишга, уни эсдан чиқармасликка ҳаракат қилганлар. Бу луғат ва рисолалар бир тарафдан бобурийларнинг ўз она тили — ўзбек тилига бўлган чексиз муҳаббатидан дарак берса, иккинчи томондан уларни исломий маърифатдан тўла бохабар эканлигидан дарак беради.

Эргаш УМАРОВ

Дунё луғатчилик тарихида бундай маданий-маърифий **феномен** бўлмаган. Афсус, биз уларни етарли даражада ўрганмай келяпмиз. Хўш, уларни ўрганиш нима беради? Уларни ўрганиш Ҳиндистондаги ўзбек тили ҳақида ноёб маълумотлар беради. Ҳозирги ўзбек тилидан истеъмолдан чиқиб кетган товуш ва сўзларни топиш, айрим сўз маъноларидаги фарқларни аниқлашга ёрдам беради. Тўғри, бундан 25 йил аввал А.Иброҳимова Аврангзеб буйруғи билан тузилган Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» луғатини нашр қилган эди. 1993 йили доктор Ота Хуршид Алигарх шаҳридаги «Мусулмон университети кутубхонасидаги ўзбек тилига оид қўлёзмалар каталог»ини эълон қилди. 1996 йили туркиялик Али Фуат Билкан «Турк дили» журналида Ҳиндистон қўлёзма хазиналарида сақланаётган 161 та туркий асарлар ҳақида ахборот чоп этди. 2003 йили мусиқашунос Дилором Каромат Худобахш кутубхонаси мудири доктор А.Бедор илтимосига кўра «Луғати туркий, арабий, форсий ва ҳиндий ва истилоҳи Шуштар ва ғайра» луғатини нашр қилди. Бироқ шу билан луғат ва рисолаларни ўрганиш ишлари тўхтаб қолди. Кўриниб турибдики, юздан ортиқ луғат ва рисолалардан атиги иккитасигина илмий жиҳатдан ўрганилди, қолганлари ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Луғатлар асосан Алигарҳдаги Мавлоно Озод номидаги Мусулмон университети, Калькуттадаги Осиё жамияти ва Миллий кутубхона, Патна шаҳридаги Худобахш, Бомбейдаги Мулла Феруз ва шарқ қўлёзмалари, Ҳайдарободдаги Саларжанг музейи ва шарқ қўлёзмалари институти, Рампурдаги кутубхонада сақланмоқда. Улар ичида Алигарх шаҳридаги Мусулмон университети кутубхонасида сақланаётган олти тилли «Нисоби (асос) шаш луғат»да ўзбекча сўзларнинг форсча, арабча, афғонча, кашмирча, ҳиндча муқобиллари келтирилган. Муаллифи номаълум «Луғати арабий, форсий ва туркий» ҳажм жиҳатидан (598 бет) бошқаларидан ажралиб туради. Қомусларнинг аксарияти икки тилли. Агар Ҳалимий «Нодир ат-таркиб»да ўзбекча сўзларга урдуча изоҳ берган бўлса, Мустафо ибн Шамсуддин Ҳисорийнинг «Луғати ахатарий»си арабча-ўзбекчадир. Қўлёзма хазиналарда «Нисоби туркий»нинг кўплаб нусхалари сақланмоқда. Ҳажм жиҳатдан турлича бўлган ушбу қомуслар Ҳиндистондаги ўзбеклар учун қўлланма вазифасини ўтаган.

Қўлёзмаларнинг бир қисми ўзбек тили қоидаларига бағишланган. Чунончи, Ибн Муҳаммад Солиҳнинг «Қавоиди забони туркий», муаллифи кўрсатилмаган «Сарф ва навҳи забони туркий»да ўзбек тили морфологияси ва синтаксиси анча батафсил изоҳланган.

Ўзбек олими Фазлуллаҳон Барлоснинг «Луғати туркий» асари илмий жиҳатдан пухталиги билан бошқа қомуслардан ажралиб туради. Унда синчков олим Ўрта аср луғатчилик анъанасига мувофиқ ўзбек сўзларини ҳарфма-ҳарф (!) кўрсатган: лағ — ба фатҳи лом ва алиф ва сукун ғайни мўъжама ба маънии жой -лағ — «л» фатҳали, алиф билан, нуқтали «ғ» устида сукун маъноси жой. Кўринадики, бугунги ***қишлоқ, тошлоқ, сувлоқ, қумлоқ*** сўзлари таркибидаги ***-лоқ*** қадимда жой маъносини англатувчи мустақил сўз бўлган. Сўзнинг товуш тузилиши ҳақидаги бундай батафсил изоҳ луғатчидан билим ва машаққатли меҳнатни талаб қилган. Гўри нурга тўлгурлар ўзбек сўзларини ана шундай изоҳлаб Ҳиндистондаги ўзбек тили бўйича ноёб маълумотлар қолдирганлар. Ушбу луғат ва қўлланмаларни ўрганмай туриб, бобурийлар даври ўзбек тили ҳақида ёзиш мумкинми? Қачонгача Бобурнинг Алишер Навоий тили ҳақидаги ҳаммага маълум ва машҳур сўзларини қайтараверамиз?! Афсус, бизлар ёдгорликларимизга беписанд қараб, улардаги сўзларни европаликларнинг таги пуч сингармонизм назарияси асосида ёзиб кўплаб хатоларга йўл қўйиб келмоқдамиз.

Хўш, бу луғат ва рисолаларни ким ва қачон ўрганади? Ушбу луғатларни ўрганмай улардаги маълумотларни ҳисобга олмай, ўзбек тили тарихи бўйича дарслик, монография, қўлланма ёзиш мумкинми?! Бобурийлар не умидлар билан уларни биз авлодлари учун ёзиб қолдирганлар. Агар бу асарлар гуржи ёки армани миллати вакилларига озгина алоқадор бўлганида эди, уларни ҳар тарафлама ўрганиб, жаҳон луғатчилик тарихида ноёб ҳодиса эканлиги ҳақида дунёга жар солган бўлур эдилар. Луғат ва рисола муаллифлари номларини жаҳон тилшунослик тарихига олтин ҳарфлар билан битардилар. Бизлар эса бу луғат ва қомуслардаги маълумотлар ишончли эмас деб, уларга тош отиб ётибмиз. Бу ақли, шуури, кўзининг нурини тўкиб, келажак авлодга бебаҳо маълумотлар қолдирган маърифатли аждодларимизга туҳмат эмасми?

Биз кўп савоб ишлар қилаётган бобуршунос Зокиржон Машрабовдан ушбу луғатлардан нусхалар олиб юртимизга келтиришларини умид қилиб қоламиз.

Назм

Ўзига ўхшаган шоир

Ғайрат МАЖИД — шеърият бўстонига дадил қадамлар билан кириб келаётган оташнафас, истиқболи порлоқ шоирлардан. У ўз йўналишини излайдиган, ўзига ўхшагиси, ўз сози ва овозига эга бўлишни чин дилдан истайдиган, шу йўлда учрайдиган ҳар қандай машаққатдан чўчимайдиган ижодкор. Унинг "Гулсанам", "Ҳеч кимга ўхшамайсан" шеърий тўпламлари аллақачон шеърият ихлосмандлари қўлига теккан. Яқинда "Академия" нашриёти томонидан шоирнинг "Кўзларингни соғинаман" номли янги тўплами босилиб чиқди.

Очиғи, Ғайратнинг бу галги китобидан ўрин олган ижод намуналари авваргиларидан ўзининг мазмун ва савияси жиҳатидан чинаккамига фарқланади: ёниқ фикрларга бой, ҳолатлар таъсирчан, янгича усул ва услубларга мурожаат кучли, инсоннинг руҳий кечинмаларини тадқиқ этиш орқали ўзининг ички "мен"ини намойиш қилиш иштиёқи баланд, туйғулар тасвири тиниқ...

Ёш шоирнинг "Руҳим", "Эй сўз", "Эски қўшиқ", "Дилбар овоз", "Ҳадя", "Куз хаёли", "Онамга мактуб", "Ҳол", "Азизам", "Баёт" сингари кўплаб шеърларида ботиний кечинмалар янгича ташбеҳлар билан чизгиланади.

Яна Ғайратнинг шеърларида у туғилиб-ўсган юрт — Китобнинг бетакрор гўшаларидан бири бўлмиш Хўжаилмкони (Хожаимганакий, Хўжа илм кон)га чексиз меҳр-муҳаббат, адирлар қўйнидаги сўлим қишлоқ тимсолида Ватан соғинчи сезилади, улардан кориз бўйларидаги гулу райҳонларнинг муаттар иси анқиб туради. Бундай шеърлар мутолааси асносида киши хаёл дунёсига ғарқ бўлади, самимий одамларнинг қайноқ тафтини ҳис қилади, кўз ўнгида шоир юрган ёлғизоёқ йўллар ва асрлар қатига сингиб кетган муборак руҳларнинг бетимсол сувратлари гавдаланади....

Ўйлайманки, Ғайратнинг қуйида эълон қилинаётган шеърлари газетхонларга манзур бўлади.

Норали АСЛОН

Баёт

Бу аёл фаришта мужгонларида
Шамс нурларини жимирлатар ҳур.
Бу аёл шу қадар нозикки, аммо
Қалбида барқ урган умиди жасур.

Бу аёл арзийди унинг пойига
Ҳатто юлдузларни ҳовучлаб отсанг.
Бу аёл кўнглини зиёларидан
Тобора тупроққа дўниб борар санг.

Бу аёл меҳрининг ёғдуларидан
Олам чаманлари гуркираётир.
Бу аёл энг сўлим гулдир, энг нафис
Гуллар ҳам кўркидан кўрк тилаётир.

Бу аёл, оҳ ёмон оғрийди жоним,
Мени қай гўрларга ирғитдинг ҳаёт.
Бу аёл, бу аёл энг оғир армон,
Ва бахт юрагимни қонатган баёт.

Руҳим

Саҳроларда адашиб қолган,
Бир бечора ғариб теваман.
Бир сен учун куяман, куйсам,
Фақат битта сени севаман.

Қўй, йиғлама, ўксима, осмон,
Ёшим билан юзинг ювaман.
Қалқиб-қалқиб, сўнг ёшларимда
Фақат битта сени севаман.

Бу дунёда бахт борми, дея.
Бир гул йиғлар, ё мосувоман
Ҳумо бўлиб кўзингга қўниб,
Фақат битта сени севаман.

Бу ўткинчи дунёларида,
Муҳаббат ҳақ — шундай навоман,
Садоқат дил ҳовучларида.
Фақат битта сени севаман.

Онамга мактуб

Беш йил бўлди. Кичкина қизлар
Очилиб гул, санам бўлгандир.
Менинг учун олинган тойчоқ
Бойчибордек саман бўлгандир.

Боғимизнинг ўртасидаги
Анор шохин букиб пишдими?
Ёмғир ёғиб пахса дуволлар
Сувоғини ювиб тушдими?

Баҳорларда томларнинг ҳатто
Югургандек юзига оллик.
Она, тинчлик керак дунёга,
Керак эмас кўнглимга тинчлик.

Тилла каби товланиб пишган,
Адирларга кўрк бўлган қовун.
Бир тилимни дилим қўмсади,
Майли тилим ёрилиб кетсин.

Тентаклигим тутар баъзида,
Боқиб дилнинг қошонасидан.
Сингилчамни соғиндим жуда,
Ўпгим келди пешонасидан.

Йўқ, ишонманг, мен алдамчиман,
Меҳрим қанча билмайман шеърга.
Анов қизи ҳамсоямизнинг
Балки тегиб кетгандир эрга.

Баҳорларда анжирпоянинг
Югургандек юзига оллик.
Она, тинчлик керак дунёга,
Керак эмас кўнглимга тинчлик.

Мутолаа

Ҳозирги пайтда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланмасдан туриб мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш мумкин эмас. Корхоналарда янги техника ва технология жорий этилиб, технологик жараёнларни компьютерлар ёрдамида автоматлаштиришга, иқтисодиёт соҳаларида, фан ва техниканинг турли йўналишларида, бошқарув ва таълим жараёнининг турли поғоналарида замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Иқтисодиётнинг юксалиши ва ахборот технологияларининг тараққий қилиши эса, табиийки, бу соҳада юксак малакали кадрларни тайёрлашни кун тартибига қўяди.

Компьютер илмининг калити

Биратўла уч тилда чоп этилган изоҳли луғат компьютер мутахассисларини тайёрлашда асқотади

Фан ва техника ривожланган сари, янги сўз ва атамаларнинг пайдо бўлиши, атамалар маъносининг ўзгариши ва ривожланиши, айрим атамаларнинг истеъмолдан чиқиши ёки бошқа атамалар билан алмашиши табиий. Бу ҳол ўзбек тилида турли соҳаларга оид адабиётлар, жумладан, турли соҳаларда янги луғатлар тайёрлашни тақозо этади.

Компьютер илми ривожланиб, унинг фан ва техника соҳаларига чуқур кириб бориши шу соҳаларда қўлланадиган сўз ва атамаларнинг ривожланиб, компьютер илмининг барча соҳа атамалари билан уйғун ҳолда такомиллашишини, сўз бойлиги янада ортиб, тушунчаларнинг тўлиқ ифодаланишини тақозо қилади.

Бизда компьютер илмининг барча соҳаларини ўз ичига олган изоҳли луғатга эҳтиёж катта эди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими илмий-методик ва ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилган ва 2006 йил сўнгида чоп этилган доцент Муфтоҳ Ҳакимовнинг «Инглизча-русча-ўзбекча компьютер илми бўйича изоҳли луғат»и республикамиз илм аҳлига, компьютер дастурларини яратувчи мутахассислар, таржимонларга ва умуман компьютердан фойдаланувчиларга жуда зарурий туҳфа бўлди.

Ушбу изоҳли луғатнинг бир неча муҳим жиҳати бор: **биринчидан,** у кенг қамровли, яъни дастурлаш асослари, дастурлаш тиллари ва муҳитлари, ахборот таъминоти, математик таъминот, турли тизимлар, компьютер тармоқлари, Интернет тармоғи, мультимедиа ва анимация, янги технологиялар, маълумотлар базаси ва уни бошқариш тизимлари, техник воситалар ва бошқа соҳаларини ўз ичига олган.

Иккинчидан, атамалар учта тилда келтирилган. Бу ўз навбатида инглиз ва рус тилларини ўрганишни осонлаштиради ва компьютер илми соҳасидаги асарларни ўгириш сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшади.

Учинчидан, ушбу изоҳли луғатда шу кунгача унутилган ёки четлаштирилган ўзбекча атамаларни тиклаш ва амалиётга татбиқ қилишда муҳим қадам қўйилган, шу билан бирга, ўзбек тилига сингиб кетган, мутахассислар томонидан ишлатилаётган байналмилал атамаларга урғу берилган.

Тўртинчи ва энг асосий жиҳати, атамаларнинг ўзбек тилидаги изоҳи келтирилган. Мақолалар баъзи ҳолларда икки ва ундан ортиқ ҳолатда келтирилади. Бундай изоҳлар бир-бирини тўлдирувчи сифатида берилган. Айрим ҳолларда бир атамага тегишли изоҳлар алоҳида келтирилган бир нечта мақолалардан иборат бўлиб, улар атаманинг бошқа маъноларини очиб беради. Мақолалар илмий-оммабоп шаклда ёзилган, лекин шу билан бирга, айримлари махсус тайёргарликка эга бўлган компьютер мутахассислари учун мўлжалланган. Компьютер қўлланиш соҳалари ва технологияларининг энг замонавий йўналишлари бўйича атамаларга доир мақолалар кенг ўрин олган. Мақолалар тўғри, лўнда ва теран талқин қилинган бўлиб, муаллифнинг шу соҳаларни яхши эгаллаганлигидан, чуқур билим ва амалий тажрибага эга эканлигидан далолат беради.

Бешинчидан, русча ва ўзбекча атамаларнинг тўлиқ кўрсаткичлари мавжудлиги унинг изоҳли луғатларга хос классик шаклга эгалигининг исботи бўлиб, бу кўрсаткичлар ўзбек ва рус тилидаги атамаларни излашни осонлаштиради.

Изоҳли луғатга сўзбоши ёзган академик Восил Қобулов: "Ушбу илмий-амалий нашр компьютер илми бўйича ўзбек атамалогияси муҳитида оддий тартиб ўрнатишга ёрдам беришда жуда муҳим роль ўйнайди ва минглаб инсонлар учун у ёки бу атаманинг маъносини тўғри тушуниш ва талқин қилишда жуда зарур ва аҳамиятли манба бўлади", деб таъкидлайди. Бизнингча ҳам, уч тилда тайёрланган, замонавий компьютер технологияси соҳасидаги ушбу луғат юксак малакали, илмий савияси баланд мутахассисларни тайёрлашда ниҳоятда асқотади, бинобарин, уни компьютер илмининг калити сифатида ёшларга тавсия этамиз.

Болтабой ҚУРМАНБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори, физика-математика фанлари доктори

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

— Чиқинди идиш турганда ахлатни устимга ташлайсанми, бефаросат!..

Нашр

«Ҳидоят» саҳифаларида

«Ҳидоят» журналининг 4-сони нашрдан чиқди. Қуйида журнал саҳифаларидан саралаб олинган сатрлар билан танишинг.

Нафснинг энг яхши ҳолати



Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: "Ким инсонлар билан муомалада уларнинг ҳақини поймол қилмаса, ёлғон гапирмаса, ваъдасини бузмаса, у мурувватли комил, адолати зоҳир, дўст тутилиши вожиб бўлган инсонлардандир".

Савдони бекор қилиш ҳуқуқлари

Киши сотиб олиш мақсадида кўрган нарсасини, бир қанча муддат ўтгач, қайта кўрмай сотиб олса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Лекин у нарса аввалги ҳолидан ўзгарган бўлса, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда сотувчи "мол аввалги ҳолидан ўзгармаган" деса, олувчи "ўзгарган" дея келишолмасалар, олувчининг молни кўрганига кўп вақт (бир ойдан ортиқ) ўтмаган бўлса, сотувчининг сўзи, қасам ичиш билан инобатга олинади. Олувчи мол кўрмаганини даъво қилганида ҳам, қасам ичиши билан даъвоси эътиборга олинади.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Ўртача йўлни танлангиз

Динимиз мусулмонларга ўзлари адо этаётган фарз ибодатларини оз санаб, кечалари уҳламай нафл намозлар ўқишни, ўн минглаб, ўттиз минглаб вирд қилишни буюрмайди. Ишчиларга имом бўлган бир саҳобанинг жамоат намозида узун сураларни ўқиганини эшитганларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга танбеҳ берган ва қисқа суралардан ўқишни буюрган эдилар.

(Ризоуддин ибн Фахриддин. "Жавомеъул калим")

Абу Айюб Ансорий

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туялари танлаган уйнинг бахтиёр соҳиби ким эди, биласизми? Бу саодатли инсон Малик ибн Нажорнинг набираси Холид ибн Зайд (Абу Айюб Ансорий) эди. Абу Айюб Бани Нажор қабиласидан эди. Расули акрамнинг боболари Абдулмутталибнинг онаси ва Ҳошимнинг завжаси Салмо Хотун ҳам Бани Нажордан бўлгани учун Пайғамбаримизга қариндошлиги бор эди.

Абдуллатиф АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади

XIX аср Тошкент мадрасалари

Шайхонтоҳур даҳасидаги мадрасалардан бири Кўкалдошдир, Муҳаммад Солиҳхожанинг ёзишича, бу мадраса Бароқхоннинг ўғли Дарвишхон томонидан бунёд этилган. 1735 йил Уфада бўлган тошкентлик савдогар Н. Алимов маълумотларига кўра, XVIII аср охирига келиб мадраса карвонсаройга айлантирилган. Тошкент тарихи тадқиқотчиларидан А. Добросмыслов Кўкалдош мадрасаси дастлаб уч қаватли, ўттиз саккизта ҳужрали бўлганини таъкидлайди.

Ўктам СУЛТОНОВ

Тиб ҳукмлари

Савол: *Ортиқча бармоқларни қирқиш мумкинми?*

Жавоб: Агар оғриқ берса, оғриқ шу аъзони олиб ташлаш билан бартараф бўладиган бўлса, бундай бармоқни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин. Чунки динимизда "Ҳар қандай зарар динимизга биноан кетказилади", деган қоида мавжуд. ("Ал-қоваид ал-фиқҳиййа", 76-бет). Акс ҳолда мумкин эмас.

Акмал АВАЗ

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади

Янги шеърий гулдаста

Асар ёзиш қийин, айниқса, яхши асар ёзиш. Бугунги кунда уни нашр этиш янада мушкул. Хўш, китобхонларчи? Улар ёзилган асарларни илиқ кутиб олишяптими?! Бу саволга жавоб бериш осон эмас.

Муҳаммад Исмоил "Сизни севмай бўладими", "Баҳорнинг энг сўнгги лоласи", "Тазарру саодати", "Сиз ҳамон ўшасиз", "Саҳройи гуллар" каби тўпламлари орқали китобхонларга таниш.

Шоирнинг "Шарқ" нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида янги китоби чоп этилди. "Чиройлисан тенги йўқ" деб номланган китоб барча муштарийларга мактуб тарзида ёзилган. Ёзувчи ўз кечинмаларини, кўнгил изтиробларини, дарду ўйларини ўқувчи билан бевосита суҳбатлашаётгандай, ҳасратлашаётгандай самимий изҳор қилишга ҳаракат қилади.

15 май куни "Шарқ зиёкори" китоблар марказида ушбу китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, шоирлардан Бобур Бобомурод, Турсун Али, Рустам Мусурмон, Тўлқин Ҳайит ва бошқа кўплаб ижодкорлар қатнашдилар. Шоир шеърларининг ижрочилари Сарвара, Ёдгор Мирзажонов, Ирода, Афсона, Отабек Муталхўжаевлар Муҳаммад Исмоил сўзи билан айтилган қўшиқлардан ижро этдилар.

Шунингдек, тадбирда ТИМИ қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчилари қатнашиб, ўз саволларига жавоб олдилар.

Иштирокчилар ижодкорнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, устозлари ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Шоир мактаб давридаги устози Ортиқ Султоновни ўзининг мураббийси эканлигини чин дилдан эътироф этди.

Улуғбек БЎТАЕВ

Соғиниб излайман сени, онажон

Ёнимда экансан кўнглим тўқ эди,
Ғам-ғусса, қайғуриш мутлоқ йўқ эди.
Ёш эдим, хаёлда фақат ёр эди,
Энди мен тинимсиз сени излайман.

Елкамни эзаркан ҳаёт тошлари,
Авж олар кун сайин юрак ғашлари.
Яширмоқ истайман кўзим ёшлари,
Маслаҳат бергувчи сени излайман.

Даврада барча бор, афсус сен йўқсан,
Бахтимга бўлардинг шерик сен бўлсанг.
Дастурхон тўларди тўрда ўтирсанг,
Шод куним кўрсин деб сени излайман.

Онажон, қабрингда дарддан йиғлайман,
Гўёки қалбимга пичоқ тиғлайман.
Ишонмай ўзимга туш деб ўйлайман,
Тириклар ичида сени излайман.

Излайман тўйларда, байрам кунларда,
Сен юрган йўлларда, кўча-кўйларда.
Оқшому саҳарда, сирли тунларда,
Бахтимни яратган сени излайман.

Дардимни айтолмай ичга ютаман,
Номингни кўксимга абад битганман.
Юрагим ураркан, токи тирикман,
Соғиниб, онажон, сени излайман.

Ринат РАҲИМОВ

Газетамизнинг навбатдаги сони 6 июнь, чоршанба куни чиқади.

O'ZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-454 Т: 3404 23456